

Тогай Мурод (Менгноров) ўзбек миллий адабиётининг ноёб вакилидир. У 1948 йили Сурхондарё вилоятининг Денов тумани, Хўжасоат кишлоғида тугилган. Шу кишлоқдаги 43-ўрта мактаби 1966 йилда тугаллаб, ўша йили Тошкент Давлат дорилфупунининг журналистика факултетига ўқишга кирган. 1972 йилда университетни муваффақиятли тамомлагач, республика радиоси «Ватандошлар» тахририятида бўлим мухаррири бўлиб, 1970 йилгача хизмат қилган.

Тогай Мурод 1973—1974 йилларда собик Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтди. 1976—1978 йилларда эса «Ўзбекистон физкультурачиси» рўзномасида таржимон, 1982—1984 йилларда «Фан ва турмуш» ойномасида бўлим мухаррири бўлиб ишлади. 1985—1987 йилларда Москвада М. Горкий номидаги Жаҳон адабиёти олийгоҳида тахсил олиб қайтди. Ёзувчи ўз ижодини 1976 йили «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси билан бошлади. Бу қисса ўзбек адабиётига тугма истеъдод эгаси қириб келаётганидан дарак берди. Қиссада Бўри полвон, Тилоберди, Абил полвон образларида ўзбек миллий қураши бадиий ифодасини топди. Адибнинг 1979 йилда битилган «От қишнаган окшом» қиссаси бу умидни чинакам хақиқат, ишончга айлантди. Асар бош қахрамони Тарлон от қитобхон қалбига қадрдон бир одамдай қириб борди. Асар ноҳақ танқидга ҳам учради.

Ёзувчининг 1980 йили чоп этилган «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси адибнинггина эмас, ўзбек миллий адабиётининг ноёб намунаси бўлди. Қисса қахрамонлари Қоплон ва Оймомо фарзанд орзу-илинжида қун, ой, йилларни бир-бирига улаб яшашади. Хали тугилмаган боланинг бобоси, момоси бўлиб зурриётни, бир-бирларини ардоқлашади. Асар қахрамонлари фожеаси умид ва ёруғликка тўла мунгли, ҳазин қўшиқ қилиб қуйланади.

Тогай Муроднинг 1985 йили битилган «Момо ер қўшиғи» қиссаси ўз гоёси, адабий йўналиши билан ўзга қўшиқ-қиссаларидан ажралиб туради. Повестда миллий заминдан оёғи узилган, Ватан тупроғида яшаб, юрағида юрт туйғуси бўлмаган 80-йиллар мафқура қурбонлари «қахрамонлари» образлари Гарб адабиёти сигинди бандаси бўлиб қолган ижодкор мисолида ўзбеккона киноя билан тасвир этилади.

Ижодкор истеъдодли таржимон ҳамдир. У 1974-1975 йилларда Ж.Лондоннинг «Бойнинг кизи» драмаси ва кўпгина ҳикояларини ўзбек тилига ағдариб нашр эттирди. 1989 йили Э.Сетон-Томпсоннинг хайвонлар ҳақидаги машҳур «Ёввойи йўрга» қитобини маҳорат билан таржима қилди.

Тогай Мурод 1986—1992 йиллар давомида ўзининг илк романи «Отамдан қолган далалар» асарини битди. «Отамдан қолган далалар» — рамзий роман. Унда бутун умр қетмон чопиб, мустамлақа юртда қосаси оқармай қелган ўзбек халқи сиймоси Дехқонқул образи тимсолида тасвир этилади.

